Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 ноябрь, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 222 (1224)

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

ШТУТГАРТ. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 ноябрь куни Германия Федератив Республикасининг Штутгарт шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Германия, шунингдек, Баден—Вюртемберг ери байроқлари билан безатилган Штутгарт аэропортида юксак мартабали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов 15 ноябрь куни Германиянинг «СЛ» меъморлик-конструкторлик компанияси томонидан ишланган «Имом ал-Бухорий мақбараси» мажмуи лойиҳаси билан танишди. Маълумки, мазкур компания буюк аллома мақбарасини бунёд этиш бўйича ўтказилаётган халқаро танловда иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари «АББ» концерни раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Сўнг ўзбекистонлик меҳмонлар «Янги қаср» қароргоҳига йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов Баден-Вюртемберг ери Бош вазири ўринбосари, иқтисодиёт вазири Дитер Шпёри билан суҳбатлашди.

Мулоқот вақтида Ўзбекистон билан Германия, хусусан, Баден-Вюртемберг ери ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани қайд этилди. Унинг истиқболлари хусусида фикр юритилди.

«Саламандер» ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати билан оламга машҳур. Мамлакатимиз раҳбари ана шу концерн раҳбарларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистонда хорижий ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар хусусида гапириб берди.

Сўнг Ислом Каримов Баден-Вюртемберг ери Бош вазири ўринбосари Д. Шпёри ҳамроҳлигида «Даймлер Бенц» концернининг Штутгарт-Мёрингемдаги қароргоҳига ташриф буюрди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари концерн раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан «Даймлер Бенц» концерни ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш хусусида битим имзоланди. «Линден музей» — Баден-Вюртемберг ерининг энг нуфузли маданий марказидир. Бу ерда «Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия Федерал Президенти Роман Герцог ҳамроҳлигида қадим тарихимиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмани кўздан кечирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ЯГОНА ОИЛАСИДА

Германиянинг Бонн шаҳрида Ўзбекистон — Германия ҳукуматлараро комиссиясининг таъсис мажлиси бўлди. ГФР Федерал Президенти Роман Герцог 1995 йил апрелида Тошкентга ташрифи пайтида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан олиб борган музокаралари чоғида Ўзбекистонда яшаётган немис миллатига мансуб фуқароларга тааллуқли масалалар бўйича бу комиссияни тузиш тўғрисида аҳдномага эришилган эди.

Мажлисда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган немис миллатига мансуб кишиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, бу халқнинг узига хос маданияти ва тилини қўллаб-қувватлаш, унинг ривожланиши учун аввало маориф соҳасида имкониятларни кучайтириш, хуллас Ўзбекистонда истиқомат қилаётган немисларнинг ҳаёти икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликнинг қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилиши учун тегишли шарт-шароит яратиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Мажлис якунлари бўйича қабул қилинган қўшма ахборотда комиссиянинг 1996 йилдаги вазифалари аниқ белгилаб берилди. Хусусан, Германия томони немис маданият марказларини техника воситалари билан жиҳозлаш, немис миллатига мансуб фуқаролар зич яшайдиган бир қанча вилоятларда тиббий-ижтимоий ёрдам марказларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятини олди. Бу лойиҳаларни амалга ошириш фақат немисларнинггина эмас, мазкур минтақадаги бутун аҳолининг манфаатларини баравар даражада кўзда тутади.

Ўзбекистон томонидан комиссия ҳамраиси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев ҳозирги пайтда бу соҳада қандай ишлар қилингани ва қилинаётгани ҳақида ахборот берди.

Ўзбекистон-Германия комиссияси қилинган ишларни таҳлил этиш ва янги лойиҳаларни муҳокама қилиш учун муntазам тўпланиб туришга қарор берди.

(ЎзА)

ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

15 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Конрад Аденауэр номли жамғарма томонидан ташкил этилган «Олий Мажлис — мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириши даврида» деган мавзуда амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда ҳозирги замонда парламентларнинг ўрни ва аҳамияти, ривожланган демократик мамлакатларда парламент фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг ўтиш давридаги асосий йўналишлари ва олиб борилаётган ишларнинг хусусиятлари каби масалалар муҳокама қилинди.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи давом этаётган шу кунларда ўтишида ўзига хос рамзий маъно бор. Ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётган бир шароитда Конрад Аденауэр номли жамғарма бу ишга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Германиянинг биринчи Федерал канцлери Конрад Аденауэр номи билан юритиладиган жамғарма аввало сиёсий камолотга қаратилган истиқбол дастурлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришда давлатлар ва одамларга ёрдам беришга, фуқароларнинг сиёсий билимини оширишга, таҳлилий тадқиқотлар ва маслаҳатлар асосида сиёсий таъсир этишнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқишга, ахборотлар алмашиниши ва учрашувлар уюштириш йўли билан халқлар ўртасида ўзаро хайрихоҳлик ва бир-бирини тушунишга ёрдам беришга, илмий ишга лаёқати ва мойиллиги бўлган ёшлар таълимни давом эттиришини қўллаб-қувватлашга, саньат ва маданиятни ривожлантиришга кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда. Жамғарманинг мақсад-муддаолари одамларнинг сиёсатда амалий тарзда иштирок этишларига кўмаклашишдан иборат бўлиб, жамоатчилик асосидаги бу ташкилот шу йўналишда кўп иш қилиши мумкин ва амалда шундай қилаётир ҳам.

Давлат молия ажратмалари, ихтиёрий улуш ва ионалар, шунингдек, аъзолик бадаллари ва эълон қилинган нашрларни сотишдан тушган маблағлардан ташкил топган Жамғарма бюджетининг ярмидан кўпи халқаро ҳамкорликка сарфланмоқда. Жамғарма яқинда мустақилликка эришган мамлакатларда шаклланиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қилмоқда. Шу мақсадда унинг Прага, Будапешт, Варшава, Москва, Таллинн, София, Киев ва Тошкентдаги ваколатхоналари салмоқли иш олиб бормоқдалар. Ҳар бир минтақага хос иш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, Германия тажрибасидан кенг қўлланда хабардор этилади, лекин муайян модел тиқиштирилмайди ҳамда бирон-бир шарт қўйилмайди.

Жамғарманинг режалари катта. Жумладан, республикамизда сиёсий-иқтисодий мавзуда ва ўзини ўзи бошқарув масалалари бўйича туркум семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Конституция ва ҳуқуқ масалалари, экология ва Оролни тиклаш масалалари бўйича минтақавий конференциялар, Бухорода эса иктисодий хўжалик юритиш муаммолари бўйича кенгайтирилган конференция ўтказиш Жамғарма иш режасидан ўрин олган. Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган конференция бунинг амалий исботи бўлди.

Амалий конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ва Конрад Аденауэр номли жамғарманинг минтақавий вакили В. Шрайбер, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасини бажарувчи Х. Ю. Кайльхольцнинг табрик сўзлари билан бошланди.

Қатнашчилар Германия Бундестаги аъзоси, парламент гуруҳи раиси ўринбосари, Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг раиси доктор Вольф Бауэрнинг ривожланган демократик мамлакатлар парламенти ва парламент фаолиятини мукаммаллаштириш мавзуидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. И. Бугровнинг Ўзбекистон парламенти фаолиятининг ўтиш давридаги асосий йўналишлари ва хусусиятлари мавзуидаги маърузаларини тингладилар. Маърузалар юзасидан мунозаралар қизғин ва ғоят манфаатдорлик билан ўтди.

Мунозараларда Олий Мажлис қўмиталарининг раислари А. Холмуродов, Г. Йўлдошева, А. Аҳадов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ривожланган демократик мамлакатларда профессионал асосда иш олиб борувчи парламентлар фаолиятининг тажриба ва хусусиятлари анжуман иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Ушбу мавзуда Германия мисолида Бундестаг аъзоси доктор Вольф Бауэр, Англия мисолида Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Барбара Хей, Франция мисолида Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар маъруза қилдилар.

Амалий конференция хулосалари асосида ривожланган демократик мамлакатлар парламентлари тажрибасини ўрганиш юзасидан махсус семинарлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Конференция семинар раҳбари, таниқли адвокат И. Муратдиснинг таклифлари асосида туркум семинарлар дастурини қабул қилди. Шундан сўнг жамғарма раҳбарлари ҳамда Англия ва Франция элчилари конференция қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Амалий конференция икки мамлакат — Германия ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришда, жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар парламентлари иш тажрибасини ўрганишида, ҳеч шубҳасиз, муҳим босқич бўлиб қолади.

Конференцияда Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, қўмиталари ва комиссияларининг раҳбарлари ва аъзолари, Олий Мажлис Котибиятининг масъул ходимлари, чет эллик меҳмонлар иштирок этдилар. Пировардида Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Шу билан конференция ўз ишини тамомлади.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК УЧУН ЖАВОБ БЕРИШ КЕРАК

Республика Вазирлар Маҳкамасида 15 ноябрь куни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда коммунал хизмат кўрсатиш ва агросаноат мажмуи тармоқларида, шунингдек Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг корхоналарида нефть маҳсулотларининг сифати, уларни ҳисобга олиш, сақлаш, тақсимлаш, сотишнинг аҳволига доир масала кўриб чиқилди, комиссия кўраётган чораларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар бошқарувчилари томонидан назоратнинг йўқлиги оқибатида нефть маҳсулотларидан фойдаланишда суиистеъмол фактлари ҳали тугатилмаганини таъкидлади. Прокуратура, Молия вазирлиги органлари, Ўзнефтьгаз инспекцияси нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишда, шунингдек нефть омборларининг техникавий ҳолати ва ўлчов асбобларида жуда кўп нуқсонлар борлигини аниқлади.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» концерни, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси бўлинмаларида, шунингдек Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг корхоналарида нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва сақлаш ишлари қониқарсиз ташкил этилган. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг текшириш ўтказилган 22 та корхонасидагина 200 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари етишмаслиги аниқланди. Самарқанд вилоятининг агросаноат мажмуи бўлинмаларида эса шу йилнинг учинчи чорагида 22 тоннадан кўпроқ нефть маҳсулотлари чет ташкилотларга ғайриқонуний равишда сотиб юборилган, 37 тонна нефть маҳсулотларидан эса бошқа мақсадларда фойдаланилган.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» тизимининг 14 та корхонаси текширилганда, ҳисобга олиш ишлари масъулиятсизлик билан ташкил этилгани, бу ерда 50 тонна нефть маҳсулотлари камлиги аниқланган.

Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши корхоналарида нефть маҳсулотларини ортиқча сарфлаш ва асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб ташлаш ҳоллари бартараф этилмаган. Текширишлар шуни кўрсатдики, бу корхоналарда нефть омборларининг техникавий ҳолатини ва ёнғинга қарши ҳолатини тартибга солиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаган.

Текширилган корхоналарда нефть маҳсулотларини сақлаш қоидалари кўпол бузилмоқда, оқибатда йилига 300 тоннадан кўпроқ нефть маҳсулотлари исроф бўлмоқда. Нефть омборларини техникавий жиҳатдан жиҳозлашни ва маҳсулотларни қабул қилиб олишни ташкил этишни яхшилаш чоралари кўрилмагани сабабли 200 тоннадан кўпроқ нефть маҳсулотларининг сифати бузилмоқда. Ҳисобга олишдаги нуқсонлар, асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юбориш натижасида 290 тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари исроф қилиб юборилмоқда.

Нефть маҳсулотларини сақлаш ва ундан фойдаланиш тартиб-қоидаларини кўпол равишда бузиш ва бепарволик ҳоллари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 30 дан ортиқ жиноий иш қўзғатди.

Нефть маҳсулотларини сақлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида лоқайдликка йўл қўйгани учун Сирдарё вилояти Оқолтин тумани кооператив уюшмасининг раиси М. Укубоев, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигининг раиси С. Турдиев, Сув хўжалиги вазирлиги Катта Фарғона канали иккинчи бўлимининг бошлиғи А. Уришев, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли Навоийдаги 107-кўчма колонна бошлиғи Б. Соҳибов, вилоят «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»га қарашли Навоий туманлараро ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Б. Жонузоқов вазифасидан четлатилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлигига нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш фактлари юзасидан «Красний двигател» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Б. Эргашбеков, Каттақўрғон ёғмой комбинати директори И. Ишбековнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди.

Комиссия мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, Назорат инспекциясининг раҳбари С. Мирсафоев, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Исмоилов, К. Раҳимов, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасидаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ваколатхоналарни, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳини жойлаштиришда фойдаланиладиган биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг биноларини қуриш учун ер участкаларини республикадаги дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотларга уларнинг ўз мулки қилиб сотишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги икки ҳафта муддат ичида Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда амалдаги қонунчиликни ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

3. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 ноябрь.

Сўз — конференция иштирокчиларига

ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Мухбиримиз конференция қатнашчилари — Конрад Аденауэр номли жамғармининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов билан учрашиб, Ўзбекистон ва Германия мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, парламентларарО алоқалар, ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

Вольфганг ШРАЙБЕР, Конрад Аденауэр номли жамғармининг минтақавий вакили:

— Ҳозир Конрад Аденауэр номли жамғарма 130 дан зиёд мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. У одамларнинг ўз демократик қуқуқларини англаб етишлари, давлат олдида фуқаролик масъулиятини чуқурроқ ҳис қилишлари ва ҳамма билан биргаликда аҳоли турмуш даражасини оширишдек муҳим ишда иштирок этишларига ёрдамлашмоқда.

Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан сўнг жамғарма ўз мустақиллигини қўлга киритган ёш давлатларга ёрдам бериш дастурини амалга оширишга киришди. Бизнинг чет эллардаги ваколатхоналаримиз ва уларнинг ходимлари халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатишипти.

Жамғарма фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири «Таълим, олий мактаб ва лаёқатли ёшларни қўллаб-қувватлаш» дастурини амалга ошириш ҳисобланади. Биргина 1993 йилнинг ўзида 1220 нафар немис ва чет эллик талаба Конрад Аденауэр жамғармаси стипендияси сохиблари бўлишди. Уларга аналитик тадқиқотлар натижаларига асосланган таълимнинг махсус программаси таклиф этилади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, шу йилнинг ўзида Тошкент техника университетининг уч ёш ходимига Конрад Аденауэр жамғармаси стипендияси белгиланди ва улар юқорида номи қайд этилган дастур бўйича Германияда билим олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йилда Германияга расмий ташрифи чоғида Конрад Аденауэр жамғармасининг раиси вазифасини бажарувчи доктор Герд Ланггут билан учрашган эди. Бу йил Тошкентда Фондимизнинг минтақавий ваколатхонаси иш бошлади.

1993 йил ноябридаёқ Аденауэр жамғармаси Ўзбекистон Тадбиркорлари иттифоқи билан биргаликда хусусийлаштириш муаммолари бўйича икки кунлик семинар ўтказди. Бу йил эса Германия ва Ўзбекистоннинг кўҳна маданиятини яқинлаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Бухорода кичик конференция ўтказилди.

Айтайманки, икки халқ ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади. Биз ушбу эзгу ишга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

А. ХОЛМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг тобора дунё ҳамжамиятида ўзига хос мақомга эга бўлиб бормоқда. Юртимизда демократия қарор топяпти. Ўтган йили декабрь ойида кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловлар бунга далил бўла олади. Ҳозир Олий Мажлисда қатор партия фракциялари фаолият кўрсатаётир.

Республика Олий Мажлиси бошқа мамлакатлар қатори Германия билан алоқаларни янада яхшилаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Чунки Ўзбекистоннинг келгусида гуллаб-яшнашида Германиядек ривожланган давлатнинг қўмаги катта аҳамият касб этади.

Шу туфайли Бундестагдаги депутатлар билан муносабатларимиз ўзаро фойдали асосга қурилмоқда. Ўтган давр мобайнида Германия Бундестагидан Ўзбекистонга 10 нафар депутат ташриф буюрди. Улар билан муносабатларимизни чуқурлаштириш истиқболлари ҳақида маслаҳатлашдик.

Энг асосийси — Европадагина эмас, балки жаҳондаги энг иқтисодиёти ривожланган, демократия қарор топган давлат бўлмиш Германиянинг парламенти иш тажрибасидан бохабар бўлдик. 1996 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон парламенти вакиллари Германияга таклиф этилган. Бу ҳам ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз. Бугун семинарда сўзга чиққан Бундестаг аъзоси, Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси муовини, Германия-Ўзбекистон дўстлиги жамияти раиси доктор Вольф Бауэрнинг маърузаси ҳам ривожланган демократия мамлакати бўлмиш Германияда парламент ва парламент фаолияти ҳақида аниқ тасаввур олишга имкон берди. Биз келгусида ўз ишимизда немис дўстларимиз тажрибаларидан фойдалансак, ёмон бўлмайди.

Айтайманки, Бундаги Ўзбекистон-Германия музокаралари икки давлат учун ҳам бирдек фойдали бўлади. Бундестаг депутатларининг ҳам, Олий Мажлис депутатларининг ҳам фикри шундай.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚ БАНКИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

14 ноябрь куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига бағишланган сим орқали кенгаш бўлди. Унда вазирликлар, қўмиталар, концернлар, уюшмалар, банк тизими раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, мутахассислар қатнашди.

Кенгашни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

— Маълумки, мамлакатимизда банк тизимини замонавий талаблар даражасига кўтариш борасида катта ишлар қилинмоқда, хусусан, сўнгги пайтда бу жабҳада Президентимиз томонидан жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар белгиланди, — деди И. Жўрабеков. — Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 октябрдаги «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисидаги қарори фикримизнинг далилидир. Мазкур қарор республика халқ банки тизими учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унда халқ банки тармоқларининг таркиб топиши ва фаолиятини тўғри йўлга қўйишга асос бўлиқдиган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда халқ банки муассасалари томонидан республикамиз аҳолисига 80 турдан ортиқ банк хизмати кўрсатилмоқда. Шундай экан, халқ банкининг фаолиятини тубдан яхшилаш, унинг моддий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Қарорда халқ банкининг янги тармоқларини тез фурсат ичида очилишини таъминлаш мақсадида аҳоли яшаш пунктларида тегишли биноларни ёки махсус жойлар ажратиб бериш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда хўжалик раҳбарлари зиммасига юклатилган. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, халқ банкининг 199 шаҳар ва туман бўлимларидан 26 таси ҳамда уларга қарашли бўлган 2476 та шохобчанинг 347 таси тор, бугунги талабларга жавоб бермайдиган биноларда жойлашган. Қишлоқ жойлардаги 414 та бўлимда эса ҳатто телефон алоқаси ўрнатилмаган.

Қарор асосида жойларда вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан халқ банки бўлимларига биноларни ажратиш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар белгиланган эди. Лекин ушбу вазифанинг бажарилишида айрим вилоятларда суст кашлиққа йўл қўйилмоқда. Бундан ташқари, жойларда саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари биноларида халқ банки бўлимларини очиш режалаштирилмаган. Халқ банки муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қураётган биноларини белгиланган муддатда биткизилиши масаласи ҳам ҳокимликлар томонидан назоратга олинмаяпти.

Халқ банкининг талабга жавоб бермайдиган биноларини капитал таъмирлаш ёхуд қулай биноларни бинолар ажратиб бериш ва барча ходимлари ҳам халқ ишончини қозониш тўғрисида қўпроқ қайғуришлари лозимлигини давр тақозо этмоқда.

Шу йилнинг биринчи ноябрига қадар республика халқ банки тизими бўйича юздан ортиқ раҳбар ходимнинг бўш ўринлари мавжудлиги аниқланди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида бу борада аҳвол яхши эмас. Ҳозирги вақтда Халқ банки олдида турган тоғ масъулиятли вазифаларни ҳал этишда жойларда малакали банк раҳбарларининг бўлиши ҳаётий зарурлиги ва масъулиятни ҳис этадиган ходимлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Энг асосий вазифа — халқ банки муассасаларининг хизмат кўрсатиш даражасини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган поғонага кўтариш, халқнинг ишончини қозониш ва кишиларимиз пешона тери билан топган жамғармаларини банк омонатига жалб қилиш ҳамда шу орқали сўзимизнинг қадрини янада оширишга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Умуман, юқорида қайд этилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда Президентимиз Ислом Каримовнинг банклар тизимини такомиллаштирмасдан, халққа банк хизматларини кўрсатишни тубдан яхшиламасдан туриб, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига мослаштириб бўлмаслиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига асосланиб иш кўрмоқ ўринлидир. Ана шундагина мазкур банк чинакамига халқ банкига айланади.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, бир қанча вилоятлар ҳокимлари ва халқ банки қатор вилоятлар бошқармалари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий йўл-йўрик ва тавсиялар кўрсатиб ўтилди.

Кенгашда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Ў. Исмоилов, Р. Юнусов, М. Усмонов, К. Ҳаққулов, К. Раҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

• *Янги қонун лойиҳаси муҳокамада*

МЕҲНАТ КОДЕКСИ: ХОДИМЛАР ВА МУТАСАДДИЛАР ТАШАББУСЛАРИ ТАКОМИЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).

МЕҲНАТ кодекси лойиҳаси синов муддатини ҳуқуқий тартибга солишдаги юқорида келтирилган нуқсонларни бартараф этди. Бунда меҳнат шартномаси тузиш чоғида иш берувчи билан ходимнинг келишувига биноан уч ойдан узоқ бўлмаган муддат хусусида писанда қилиб қўйилиши мумкинлиги ҳисобга олинган.

Иккинчидан, амалдаги КЗОТда синовдан ўтолмаган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини маъмурият ташаббуси билан тўхтатишнинг жўн тартиби белгиланган. Бу — тўғри. Негаки, синовдан кутилган мақсадлардан бири ходимнинг топширилган ишга муносиблигини аниқлашдир. Бироқ амалда шундай ҳолат ҳам юз берадики, синов даврида ходимнинг ўзи топширилган ишни уддалай олмайман деган хулосага келади. Лойиҳа меҳнат шартномаси тузган томонларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган ҳолда синов муддати иш берувчининг ходим шу вазифага қай даражада лаёқатли эканлигини аниқлаши учунгина эмас, балки меҳнат шартномасида белгиланган ишни давом эттириш тўғрисида ходимнинг ўзи бирор қарорга келишини ҳисобга олиб белгиланишини назарда тутади. Шунинг учун ҳам Меҳнат кодекси лойиҳасининг 87-моддасида меҳнат шартномаси тузган томонларнинг дастлабки синов муддати тугамасдан илгари меҳнат муносабатларини тўхтатиш ҳуқуқи белгиланган. Бунда шундай қарорга келган томон бошқа томонни уч кун аввал огоҳ этиши керак. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси синов муддати қониқарсиз ўтди деб топилгандагина тўхтатилади.

Ходимларни ишдан бўшатиш тартиби ўзгарганми? Ҳа, туб ўзгартишлар киритилган, дейиш мумкин. Аммо аввал атамалар хусусида тўхталиш лозим бўлади. Амалдаги КЗОТ меҳнат муносабатларини тўхтатишни белгилаш учун уч атамадан фойдаланарди — меҳнат шартномасини тўхтатиш, уни бекор қилиш ва ходимни ишдан бўшатиш. Натижада ҳар хиллик вужудга келиб, ушбу атамалар нотўғри ишлатилмоқда. Бир хилликни таъминлаш мақсадида бу атамалар Кодекс лойиҳасида ягона қилиб — меҳнат шартномасини тўхтатиш дея белгиланади. Бўйруқлар чиқаришда айнан шу атамадан фойдаланиш ва ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиш лозим.

Меҳнат кодексининг лойиҳаси меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатишнинг мутлақо янги моделини назарда тутади. Меҳнат шартномасини тўхтатишнинг амалдаги КЗОТ да назарда тутилган, самараси ҳуқуқни қўлланиш амалиётида тасдиқланган ва Халқаро меҳнатни ташкил этиш Конвенциясига зид бўлмаган асосларигина сақлаб қолинган. Чунончи, аввал бўлганидек, меҳнат муносабатлари штатлар қисқарганда, корхона тугатилганда, ходимнинг эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига лаёқатли бўлмаган тақдирда тўхтатилиши мумкин. Ходимнинг ўз меҳнат бурчини узлуксиз бузганлиги учун меҳнат шартномасини тўхтатиш қоидаси ҳам сақлаб қолинди. Бироқ «меҳнат бурчини узлуксиз бузганлик»тушунчаси анчагина ўзгартирилди. Меҳнат шартномаси шу асосда тўхтатилганда ходимга нисбатан иллари қўлланилган интизомий жазогина эмас (амалдаги КЗОТ да кўрсатилганидек), балки қўшимча таъсир чоралари (мукофотдан, ўн учинчи маошдан маҳрум этиш), шунингдек, ходимнинг моддий жавобгарликка тортилганлиги ҳам ҳисобга олинади. Аммо бу чоралар меҳнат бурчини бузганлик учун қўлланилиб, орадан бир йил ўтмай, меҳнат интизомини яна бузган тақдирда юқоридаги жазо чораси қўлланилади. Бундай тартиб арзимаган сабаблар билан меҳнат интизомини бузувчиларни аввалги ишларига тайинлашга йўл қўймайди.

Лойиҳада ишга сабабсиз келмаганлик, маст ҳолда келганлик учун меҳнат шартномасини тўхтатиш назарда тутилмаган. Аммо бу корхона раҳбари бундан буён ишёқмас ва ичкиликбозларга тоқат қилиши керак, дегани эмас. Иш берувчининг меҳнат интизомини бузувчилар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш ҳуқуқи анча кенгайтирилади. Амалдаги КЗОТ да ножўя ҳисобланувчи хатти-ҳаракатлар санаб ўтилган (ишга сабабсиз келмаслик, маст ҳолда келиш, шунингдек, гиёҳвандлик ёки заҳарловчи моддалар истеъмол қилиш, корхона мулкини ўғирдаш ва бошқалар). Ходим шу айблардан бирини биринчи марта содир этганидаёқ, у билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши мумкин. Амалда эса ходим баъзан шундай ножўя хатти-ҳаракатлар содир этадики, у натижада ишлаб чиқаришда бахтсизлик юз беришига, корхона мулкининг барбод бўлишига, одамларнинг ўлими ёки майиб бўлишига, шунингдек, бошқа оғир оқибатларга олиб келади ёки олиб келиши мумкин. Бироқ бундай хатти-ҳаракатлар амалдаги КЗОТда меҳнат муносабатларини тўхтатишга асос бўлиши қайд этилмаган бўлса, бундай ходим билан меҳнат шартномасини тўхтатиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан савол туғилади: нахотки, ходим билан меҳнат муносабатларини давом эттириш мумкин бўлмай қоладиган ножўя хатти-ҳаракатларни муайян корхонанинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаган ҳолда юқоридан, марказлашган тартибда олдиндан белгилаш мумкин бўлса? Меҳнат шартномасини бундай йўсинда тўхтатиш тартибининг жаҳондаги кўпгина мамлакатларда қўлланмаслиги бежиз эмас. Шу муносабат билан меҳнат шартномасини тўхтатиш мумкин бўладиган қўпол хатти-ҳаракатлар рўйхати корхонанинг ички иш тартиби қоидаларида белгиланиши лойиҳада назарда тутилган. Ички меҳнат тартиби қоидаларида нафақат ишга сабабсиз келмаслик ва маст ҳолда келиш, балки ишлаб чиқариш технологияси, техника хавфсизлигини қўпол равишда бузганлик, ходимга топширилган бойликни асраш таъминланмаганлиги ва бошқа бир марталик ножўя хатти-ҳаракатлар учун ҳам меҳнат шартномасини тўхтатиш олдиндан изоҳлаб қўйилиши мумкин.

Бундай ҳолда қуйидаги савол ҳам ўринли бўлади: меҳнат шартномасини тўхтатишга оид бундай янги тартиб иш берувчини ўзбошимча қилиб қўймайдими? Ўйлайманки, бундай бўлмайди. Биринчидан, янги Кодекс лойиҳаси ходимларнинг ҳар қандай айблари учун эмас, балки айнан қўпол ножўя хатти-ҳаракатлари учун меҳнат шартномасини тўхтатишни назарда тутади. Гап шундаки, ходимнинг айби қўпол ёки қўпол эмаслиги, шу айб келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган қўпол оқибатларга қараб белгиланади. Ходимга нисбатан қўлланилган жазонинг оғирлиги содир этилган айбнинг оғирлиги билан мос бўлиши лозимлиги лойиҳада кўзда тутилади. Шу боис меҳнат шартномаси арзимаган айб учун тўхтатилган бўлса, суд буни ноқонуний деб топади ва ходимни аввалги ишига қайта тиклайди.

Иккинчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, меҳнат шартномасини тўхтатишга асос бўладиган меҳнат мажбуриятларини бир марта бузиш ҳоллари рўйхати ички меҳнат тартиби қоидалари орқали белгиланиб, у иш берувчи томонидан якка тартибда эмас, балки касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органлари розилиги билан тасдиқланади.

Ва учинчидан, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатишнинг лойиҳада мустаҳкамлаб қўйилган тартиби нафақат бозор иқтисодиёти талабларига, балки халқаро-ҳуқуқий актлар, шу жумладан, МОТнинг 1982 йилги «Меҳнат муносабатларини тўхтатиш тўғрисида»ги 158-Конвенцияси талабларига ҳам мос тушади. Меҳнат кодекси лойиҳасида ходимларнинг меҳнат шартномасини тўхтатиш чоғидаги меҳнат ҳуқуқларига оид бир қатор янги кафолатлар назарда тутилганки, у амалдаги қонунларда йўқ эди. Чунончи, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатиш тўғрисида ходимни олдиндан огоҳлантириш кўзда тутилади.

Штат қисқартирилиши ва корхонанинг ёпилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ходимни огоҳлантириш амалдаги КЗОТда ҳам белгилаб қўйилган. Аммо бу ходимни олдиндан огоҳлантиришга оид ягона асос эди. Лойиҳа эса бозор шароитларида меҳнат шартномасини бекор қилиш ходим учун томдан тараша тушгандек, тасодифий бўлмаслиги кераклигини назарда тутиб, иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимни олдиндан огоҳлантириш ва бошқа асосларни назарда тутади. Шундай қилиб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатиш ҳақида ходимни огоҳлантириш истисноликдан чиқиб, умумий қоидага айланади. Бундай огоҳлантириш МОТ Конвенцияларида назарда тутилгани ва Франциянинг Меҳнат кодексида, Саудия Арабистони ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг меҳнат қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Меҳнат кодекси лойиҳасида ходимни огоҳлантириш муддати меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатиш сабабларига қараб табақалаштирилган бўлиб, у меҳнат шартномаси ходимнинг айби билан тўхтатилганда уч кундан бошлаб, ходимлар сони ёки штат қисқарганда ёки корхона тугатилганда икки ойгача қилиб белгиланади.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатилиши тўғрисидаги огоҳлантириш даврида ходимга янги иш топиши учун вақт берилиши қонун лойиҳасида белгилаб қўйилган. Бу ходимлар учун яна бир янги кафолатдир.

Халқаро меҳнатни ташкил этиш Конвенцияси олдиндан огоҳлантиришдан асосий мақсад иш берувчи меҳнат шартномасини тўхтатишдан олдин ходимга дурустроқ янги иш топиш учун имконият яратиш, бу даврда ўртача иш ҳақи сақланишини назарда тутади. Бироқ амалдаги КЗОТ ходимлар сони ёки штат қисқариши, шунингдек, корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномасини тўхтатиш чоғида ходимни олдиндан огоҳлантириш муддати даврида корхонада ҳар доимги тартибда ишлаб туриш вазифасини юклайди ва бу билан ходимга бошқа ўзига мос иш топишга имкон бермайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатиш тўғрисида ходимни огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш топиши учун ҳафтасига камида бир кун ишга чиқмасликка рухсат этилиши ва бу кунлар учун иш ҳақи сақлаб қолиниши лойиҳада биринчи марта назарда тутилган. Бироқ меҳнат муносабатлари ходим айбли иш қилиб қўйганлиги сабабли тўхтатилиши бундан мустасно. Бундай тартиб пировард натижада нафақат ходимга, балки иш берувчи учун ҳам фойдалидир. Зеро, агар огоҳлантириш муддати даврида ходим бошқа иш топса, унинг ўртача маоши ишга жойлашгунча тўланади. Бинобарин, иш билан бандлик жамғармасидан сарф-харажат камаяди.

Ўзбекистонда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, у амал қилмоқда. Тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхоналар бозор шароитида синган ҳисобланиши керак. Бундай корхоналарнинг ходимлари учун меҳнат ҳуқуқлари бўйича қўшимча кафолатлар бўладими? Иш берувчи синган (банкрот) деб тан олинганда у билан меҳнат муносабатида бўлган ходимларнинг иш ҳақи ҳамда уларга тааллуқли бўлган бошқа тўловлар борасида бошқа ҳамма кредиторларнинг даъволари олдида имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланишлари лойиҳада назарда тутилган. Бундан ташқари, бундай ходимларга худди бугунгидек, имтиёз ва товонлар берилади. Жумладан, корхона ёпилиши муносабати билан меҳнат шартномаси тўхтатилганда ходим ушбу корхонадаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжат топшириши, бироқ меҳнат шартномасини тўхтатиш сабаби бу ҳужжатда кўрсатилмаслиги керак. Бу тартиб, аввало, ходимнинг бошқа ишга жойлашиш чоғидаги ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган. Афсуски, амалдаги қонунлар иш танлаш борасида Конституциявий ҳуқуқни камситишга олиб келади. Айтайлик, меҳнат шартномаси ходимнинг меҳнат интизомини бузганлиги учун тўхтатилди. Бозор муносабатлари шароитида иш жойини йўқотишнинг ўзи жиддий жазодир. Бироқ амалдаги қонунлар бу билан ҳам қаноатланмайди. Меҳнат шартномасини тўхтатиш сабаби меҳнат дафтарчасига ёзилиб, ходим яна бир бор жазоланади. Кейинчалик қандай ишлашидан қатъий назар, ўша ёзув туфайли ходим бутун умри давомида ишга жойлашишда қийналиб юради.

Эътибор беринг-а, агар шундай ходим борди-ю, жиноят содир этиб, қамалиб чиқандан сўнг ҳам орадан маълум муддат ўтгач, судланганлиги олиб ташланарди. Меҳнат дафтарчасига қайд этилган меҳнат шартномаси тўхтатилганлиги сабаби эса ходим учун бир умрлик жазо бўлиб қолади. Шуни ҳисобга олган ҳолда лойиҳада меҳнат шартномаси тўхтатилганлиги сабабини меҳнат дафтарчасига ёзмасликни назарда тутади. Шундай қилиб, меҳнат дафтарчаси эгаси учун ишга жойлашишга тўсқинлик қилувчи эмас, балки иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб қолади. Шу билан бирга лойиҳага мувофиқ меҳнат шартномаси тўхтатилган куни ходимга меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномаси тўхтатилиши сабаби кўрсатилган буйруқнинг бир нусхаси қўшиб берилишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу шунинг учун ҳам зарурки, токи ходим иш берувчининг хатти-ҳаракатини ноқонуний деб ўйлаганда, унинг устидан шикоят қила олсин ва меҳнат шартномаси айрим сабабларга кўра тўхтатилганида бериладиган имтиёзлардан фойдаласин.

Ўйлайманки, бу далилларга қўшилмоқ керак. Аммо, назаримда, бирмунча муҳим бўлган савол туғилади. Ҳозирги вақтда узлуксиз иш стажида йўл қўйиладиган иш узилиши муддатининг давомийлиги меҳнат шартномасини тўхтатишга асос бўлган сабабга боғлиқ. Аммо шу сабаб меҳнат дафтарчасида кўрсатилмаган бўлса, узлуксиз меҳнат стажи узилган ёки узилмаганлигини амалда қандай аниқлаш мумкин? Эслайлик, илгари узлуксиз меҳнат стажи ёши тўлиб, пенсияга чиқанда пенсия миқдорига таъсир этарди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пенсия миқдори узлуксиз эмас, балки умумий меҳнат стажи миқдорига боғлиқ бўлиб қолди.

Бугунги кунда вақтинчалик меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларгагина пенсия узлуксиз меҳнат стажи миқдорига қараб белгиланаяпти. Бироқ бундай ечимнинг адолатли эмаслиги аниқ. Айтайлик, ходим бир корхонада 25 йил ишлади, сўнгра соғлиғи ёмонлашгани ёки бошқа сабабга биноан шартномани ўз хоҳиши билан тўхтатишга ва бошқа ишга ўтишга қарор қилди. Агар шартнома бекор қилинган кундан бошлаб то янги ишга жойлашгунча орадан бир ойдан кўпроқ муддат ўтган бўлса, демак, унинг узлуксиз иш стажи узилган ҳисобланади. Бинобарин, бундай ходимга касал бўлиб қолганда энг кам (иш ҳақининг 60 фоизи) миқдорида нафақа тўланади. Иккинчи томондан, саккиз йилдан ортиқроқ узлуксиз ишлаган киши 100 фоиз нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Лойиҳада вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик учун нафақа миқдори узлуксиз эмас, балки умумий иш стажига қараб белгиланишини биринчи марта назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда, киши қанчалик узоқ ишлаган бўлса, қанчалик кўп бадал тўлаган бўлса, нафақа миқдори шунчалик кўп бўлиши керак.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ўз хоҳиши билан тўхтатилиши масаласига ҳам тўхталиш жоиз. Меҳнат шартномасини доимий ишга қабул қилинган ходимнинг ташаббуси билан тўхтатиш тартиби аввалгича қолди. Амалдаги қонунларга мувофиқ бундай ходим иш берувчини икки ҳафта илгари огоҳлантириб, меҳнат муносабатларини ёзма тарзда тўхтатиши мумкин.

Бироқ муддатли меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан тўхтатиш тартиби амалдаги қонунларда белгиланганидан мутлақо бошқача ҳал этилган. Амалдаги КЗОТнинг 40-моддасига биноан муддатли шартнома билан ишлаётганлар узрли сабаб бўлгандагина (ходимнинг хасталиги ёки ногиронлиги шартномадаги ишни бажаришга тўсқинлик қилганда, маъмурият меҳнат қонунини, жамоа ва меҳнат шартномасини бузганда) меҳнат муносабатларини ўз хоҳишларига биноан тўхтатишга ҳақлидирлар. Агар узрли сабаб бўлмаса, ходим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини тўхтатолмайди ва шартномадаги муддат тугагунча ишлаши керак.

Меҳнат кодекси лойиҳасида меҳнат шартномаси муддатига оид шартларни тақиқлаш йўли билан эмас, балки иқтисодий усулларни қўллаш воситаси билан таъминлаш мумкинлиги биринчи марта назарда тутилган. Муддатли меҳнат шартномасини тузган ходимларнинг меҳнат муносабатларини ўз ташаббуслари билан тўхтатиш ҳуқуқларини лойиҳа чекламайди. Доимий ишлайдиган ходимлар каби улар ҳам иш берувчини икки ҳафта илгари ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат муносабатларини ўз ташаббуслари билан тўхтатишлари мумкин. Шу билан бир вақтда муддатли меҳнат шартномасида томонларнинг шартнома тўхтатилган тақдирда жарима тўлаш ҳақидаги мажбуриятлари изоҳлаб қўйилиши мумкинлиги қонун лойиҳасида белгилаб қўйилган. Жарима миқдори томонларнинг келишуви билан белгиланади ва иш берувчининг ходимнинг ишлаб берган даврида унга сарфлаган харажатларига ва бошқа вазиятларга қараб табақалаштирилиши мумкин. Ходим меҳнат муносабатларини ўз ихтиёри билан, шунингдек, ходим айбли хатти-ҳаракат содир этганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан тўхтатилганда иш берувчига жарима тўлайди.

Бироқ иш берувчи ҳам меҳнат шартномасини штат қисқариши, корхона тугатилиши ва ходим айбдор бўлмаган бошқа сабаблар билан тўхтатганда ходимга жарима тўлайди. Бунда жарима миқдори иш берувчи тўлайдиган миқдордан ошмаслиги керак. Муддатли меҳнат шартномасини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги ариза ходимнинг бу ишни давом эттира олмаслиги (ўқув муассасасига кирганлиги, бетоблиги ва ногиронлиги) билан асосланган бўлса, унинг жарима тўлашдан озод этилиши ходим манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Агар шартномада назарда тутилмаган ва миқдори белгиланган бўлса томонлар жарима тўламайдилар.

Шундай қилиб, муддатли меҳнат шартномасида агар у муддатидан илгари тугатиладиган бўлса, жарима тўлаш шартини белгилаб қўйиш мумкинлиги ҳам ходимнинг, ҳам иш берувчининг манфаатларига мос тушиб, томонларнинг шартнома муддатига амал қилишларига қаратилган. Бу тартибнинг самарали эканлиги турли мамлакатларда амалда қўлланиб тасдиқланган.

(Давоми бор).

Велосипед Самарқандда чиқарилади

Бугун саноатда турли корхоналар ҳар хил сабабларга кўра оғир иқтисодий аҳволига тушиб қолганлиги маълум. Самарқандда ҳам бундай завод ва фабрикалар топилади. Хўш, вужудга келган вазиятдан чиқиш учун қандай чоралар кўрилайтир? Бу ерда ана шундай заводлар негизида янги қўшма корхоналар ташкил қилишни бу борадаги энг маъқул йўл, деб билишмоқда. Масалан, Сиёб тумани ҳокимлигининг таклифи билан унинг худудидаги «Гелион» ва «Поктамаш» заводлари базасида велосипед чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхона тузилмоқда.

Нега бундай қарорга келинди? Маълум бўлишича, нафақат бизнинг республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда ҳам бу турдаги корхона йўқ экан. Демак, корхона маҳсулотининг бозори чаққон бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, велосипед ишлаб чиқарадиган корхона технологияси бирмунча арзон ва уни келтириш осон кечади, дейишмоқда мутахассислар. Шундай қилиб, орадан бир-икки йил ўтмай каттаю кичик хуш кўриб минадиган велосипедлар Самарқандда чиқарила бошлайди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЕР БИЛАН ТИЛЛАША БИЛИШ КЕРАК

Бугун Тошкентда Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрохимиклари жамиятининг 2-қурултойи очилади. Бу инжуман арафасида мухбиримиз Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрохимиклари жамияти раиси, ЎзФА ҳақиқий аъзоси, академик Жўрақул САТТОРОВ билан учрашиб, у кишига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Жўрақул Сатторович, дастлабки қурултойни ўтказишга кўрилган тайёргарликлар хусусида маълумот берсангиз?

— 1991 йил Ўзбекистон тупроқшунослари ва агрохимиклари жамияти тузилиб, ўша йилнинг 1-3 ноябрь кунлари жамиятнинг 1-таъсис қурултойи бўлиб ўтган эди. Жамиятимиз халқаро тупроқшунослар уюшмасига аъзо. Жамият низомига кўра, ҳар беш йилда қурултой ўтказилади. Навбатдаги қурултойни ҳар жиҳатдан юқори савияда, кўнгилдагидек ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилган. Қўмита ўз зиммасидаги вазифаларни масъулият билан бажариб, қурултойга қизғин тайёргарлик кўрди.

— Қурултой кун тартибидан қандай масалалар ўрин олган?

— Қурултойда долзарб маъзу ва счимини топган муаммолар юзасидан илмий, таҳлилий маърузалар қилинади. Ўтган вақт ичида олиб борилган илмий ва амалий ишларга якун чиқарилади, келажак учун янги устивор йўналишлар, долзарб маъзулар танланади. Илмий-ташкилий соҳада ҳам янги-янги вазифалар белгиланади.

— Қурултойда хориждан ҳам делегатлар иштирок этишадими?

— Биз қурултойда қатнашиш учун Марказий Осиё республикалари ва бошқа хорижий давлатлардаги ҳамкасабларимизга таклифномалар жўнатдик. Россия, Белорус, Болгария, Хитой каби давлатлардан меҳмонлар келиши кутилмоқда.

— Жўрақул Сатторович, сиз етакчилик қилаётган жамиятнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Собиқ Иттифоқ даврида Бутуниттифоқ тупроқшунослар жамиятининг Ўзбекистон бўлими мавжуд эди. Юртимиз мустақилликка эришгач, республикамиздаги тупроқшунослар ва агрохимикларни бирлаштириш ва уларнинг ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлаш мақсадида бу жамият ташкил топди. Жамият илмий ходимларнинг диққатини тупроқшунослик, агрохимия ва мелиорациядаги энг муҳим назарий муаммоларни счишга ва янги технологиялар яратишга қаратиш; тупроқшунослик, агрохимия, мелиорация ва экология бўйича йирик конференция, симпозиумлар ўтказиш; янгиликларни халқ хўжалигида кенгроқ ёйиш; республикада олиб борилаётган ишларни координация қилиш; чет эллик мутахассис олимлар билан алоқа ўрнатиб, улар билан биргаликда илмий изланишлар олиб боришни қўллаб-қувватлаш каби кўплан-кўп вазифаларни бажаради.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида сернинг қадри, баҳоси ниҳоятда кўтарилиб бормоқда. Ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш тупроққа, тупроққа нисбатан муносабатга боғлиқ. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, барча тирик организмлар, шу жумладан инсон ҳаёти ҳам тупроқ, билан боғлиқ. Тупроқ унумдорлиги тупроқнинг алоҳида бирорта хоссаси билан белгиланмайди, балки унинг барча хоссаларининг ўзаро таъсир йиғиндисига боғлиқ. Шунинг учун ҳам унумдорликни кўтариш ҳақида гап кетганда тупроқнинг барча хоссаларини яхшилаш ҳақида ўйлаш ва ҳаракат қилиш зарур. Тупроқ унумдорлигини оширишда унинг экологик, мелиоратив ҳолати ҳақидаги маълумотлар доимо янгиланиб турилиши жуда муҳимдир. Тупроқ хоссаларининг ҳолати ўзгариши билан экиндар жойланиши, алмашлаб экиш, ерга ишлов бериш ўзгариб бориши керак. Ишлаб чиқилган методик усул ва дастурлардан тўғри фойдаланиш тупроқ унумдорлигини оширишда қўл келади. Қисқа қилиб айтганда, ерни севиш, уни қадрлаш, у билан тиллаша билиш керак. Тупроқ муқаддас. Уни топташ — нодонлар иши.

Суҳбатдош:
А. АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

САЙЛОВ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ЎТДИ

Озарбойжонда ўтказилган парламент сайлови ва мамлакат янги Конституциясини қабул қилиш бўйича ўтган референдумнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Унда мамлакатнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолисининг 80 фоизга яқини иштирок этди.

Ҳозирча халқаро кузатувчилар сайловнинг юқори даражада ўтказилганини таъкидламоқдалар.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев янги парламент мамлакатнинг истиқболини белгилашда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

ПОРАХЎР... СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИ

Россия оммавий ахборот воситалари мамлакатда тобора авж олаётган жиноятчилик ва порахўрлик ҳақида ташвишланиб ёзмоқда.

Иркутск вилоятининг Усть-Илимск шаҳри солиқ инспекцияси бошлиғи Елена Логинованинг ҳибсга олиниши катта шов-шувга сабаб бўлди. У хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, 150 миллион рубль пора олаётганда қўлга тушган.

Бир ой илгари вилоятдаги масъул лавозимлардан бирида ишлаётган бошқа раҳбар ҳаётида ҳам худди шундай воқеа рўй берган эди.



СУРАТДА: бугунги Сеул.

НАМОЙИШЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШМАГАНИ УЧУН...

КАРАЧИ шаҳридаги қўпорувчиларнинг зўравонлиги туфайли яна ўн нафар бегуноҳ киши ҳаётдан кўз юмди.

Покистон ҳукумати вакилининг таъкидлашича, Муҳожирлар миллий ҳаракати (ММҲ)ни қўллаб-қувватловчи экстремистик гуруҳлар ҳукуматга қарши намойишларда иштирок этишлан бош тортганларни шу тариқа жазолаган.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

АЛМАТИДА МДҲ мамлакатлари вакиллари иштирокида полиомиелит ва бўғма (дифтерия) касалликларининг олдини олишга бағишланган беш кунлик семинар бошланди.

АҚШ юқумли касалликларнинг олдини олиш маркази раҳнамолигида ўтаётган мазкур семинарда Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва украиналик 70 дан зиёд мутахассис қатнашмоқда.

ҚИЁМАТ КУНИНИ УЮШТИРИШ МАҚСАДИДА

Япониянинг «Аум синрикио» сектаси ўз олий устози Сиоко Асахаранинг буйруғига биноан суньий қиёмат кунини уюштириш мақсадида мингдан ортиқ автомат ва миллиондан зиёд ўқдори тайёрлашни режалаштирган.

Улар, шунингдек, Россиянинг Калашников автоматлари ва АҚШ армияси ракеталарини ҳам харид қилганлар. Япония марказий газеталари мамлакат қидирув органлари хулосаларига таяниб, ана шу ҳақда туркум мақолалар чоп этди.

ПОРТЛАШ ОҚИБАТИ

Ўтган куни Америка Қўшма Штатларининг Саудия Арабистони пойтахтидаги Ҳарбий миссияси биноси яқинида рўй берган портлаш оқибатида беш америкалик ва бир филиппинлик ҳалок бўлди.

Жароҳатланган 60 кишидан 30 таси ҳам АҚШ фуқароларидир. Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига қараганда, яралганларнинг талай қисми гоят оғир аҳволда.

КУЧЛИ ТОШҚИН

Октябрь ойида Марказий Вьетнамда рўй берган тўфон ва кучли тошқин натижасида 137 киши ҳалок бўлди, 46 киши бедарак йўқолди ва қарийб 200 киши жароҳатланди.

Сув тошқинини назорат қилиш бўйича миллий қўмита Вьетнам пойтахтида ўтказган матбуот конференциясида журналистларга шу ҳақда маълум қилинди. Маълум бўлишича, табиий офат натижасида 8 мингдан зиёд уй-жой бутунлай яроқсиз бўлиб қолган. Қарийб чорак миллионга яқин одамга зарар етган. Тахминан 100 минг гектар қишлоқ хўжалик экинлари побуд бўлган.

ЖАМҒАРМА ХАЙРИЯСИ ТУФАЙЛИ

Эронда шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш учун велосипеддан фойдаланишни тарғиб этиш мақсадидан кампания бошланди.

Мамлакат ҳаётида анъанавий тус ола бошлаган яна бир янгилик Имом Ҳумайний хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилмоқда. Бу жамғарма аҳолига турли тўй-ҳашамларни ўтказишга кўмаклашаётир. Ўтган душанба куни жамғарма кўмагида мамлакатда 12 минтга тўй-ҳашам ўтказилди.

ФУҚАРОЛАР ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛИШЛАРИ МУМКИНМИ?

Мумкин. Фақат ишда тубдан бурилиш ясаб, айрим ходимларнинг масъулиятсизлиги, ҳуқуқбузарлигига барҳам бериш керак

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни пенсия ва нафақалар билан ўз вақтида таъминлаш республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хўш, бу борада тизимда қандай ишлар олиб борилмоқда? Жамоатчи мухбиримизнинг республика ижтимоий таъминот вазирининг муовини А. АКБАРОВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.

— Анвар Абдулҳаевич, суҳбатимизни пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш жараёнидан бошласак.

— Амалдаги пенсия қонунчилигига биноан, бу жараён унча мураккаб бўлмаган тўрт босқичга бўлинади. Биринчи босқич — пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни жамлаш ва уларни ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этиш. Иккинчи босқич— қонун талабларига кўра тақдим этилган ҳужжатлар асосида пенсия ва нафақаларни тайинлаш. Учинчи босқич— тайинланган пенсия ишларига тўлов ҳужжатларини тайёрлаш ва ниҳоят, тўртинчи босқич, пенсия ва нафақаларни тўлов ҳужжатлари асосида ўз эгаларига етказиб беришдан иборатдир.

Энди биринчи босқич ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг ўзи иккига бўлинади. Биринчисида ишлайдиган фуқароларнинг пенсия ҳужжатларини улар ишлаётган идора мутасаддилари тўплаб, расмийлаштириб ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этса, иккинчисида ишламайдиган фуқаролар, яъни пенсияга чиқаётган пайтда бевосита ишда бўлмаган кишилар пенсияга тааллуқли ҳужжатларни ўзлари тўплаб ижтимоий таъминот бўлимига ҳавола қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жуда кўп ҳолларда пенсия тайинлашга тааллуқли бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришда айрим идора вакиллари томонидан жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Гап бу ерда пенсия ва нафақаларни расмийлаштирувчи корхона, ташкилот ва муассасалар вакилларининг пенсияга чиқувчи фуқаролар учун берилаётган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномаси устида кетмоқда.

Масалан, айрим ҳолларда пенсионерлар учун берилаётган ушбу маълумотномада уларга тўланган мукофот пуллари, касаллик варақалари ва меҳнат таътили суммалари алоҳида ажратиб кўрсатилмайди. Ваҳоланки, бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Нега деганда, бу каби ойлик иш ҳақларини пенсионернинг хоҳиш-истагига қараб янада кўпроқ ойлик иш ҳақлари билан алмаштириш мумкин. Албатта, бу каби чала тайёрланган ҳужжатлар қонун бўйича ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан қабул қилинмасдан қайтарилади. Натижада пенсияларни тайинлаш муддати кечикади. Шу билан бирга ижтимоий таъминот бўлимлари ходимларининг айби билан пенсияларни кеч тайинлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, юқоридагидек ҳафсаласизлик ва совуққонлик оқибатида шу йилнинг ўтган олти ойи давомида республикамиз бўйича 2219 та пенсия ҳужжатлари ўз вақтида расмийлаштирилмаган. Бу ҳолат 1994 йилнинг биринчи ярмида жами тайинланган пенсиянинг 3 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилнинг ярим йиллигида 3,5 фоизга ортган. Шундан 1586 нафар фуқаронинг пенсия ҳужжатлари бевосита пенсияни расмийлаштирувчи идора вакилининг айби билан вақтида расмийлаштирилмаган бўлса, 633 та пенсионернинг пенсия иши ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли ўз вақтида тайинланмаган. Бу каби жиддий камчиликларни бартараф қилиш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

1995 йилнинг биринчи ярмида қонунни нотўғри қўллаган 387 нафар ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Шулардан 169 ходим моддий, 209 ходим интизомий жазога тортилган бўлса, 9 нафар мутахассис эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги Фармойишига кўра вазирлигимизда Алоқа вазирлиги билан биргаликда шу йилнинг 30 августида махсус йўриқнома ишлаб чиқарилди. Шу йўриқномага асосан пенсияни тўлаш қўлланмасига айрим ўзгартиришлар киритилди. Бу молия ишларини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, аввалгисидан фарқли равишда республика Ижтимоий суғурта жамғармаси пенсия тўловлари учун тўпланган пулларни бевосита алоқа бўлимларига ўтказадиган бўлдилар. Бундан ташқари, пенсия ва нафақалар тўлов ишларини яхшилаш, ходимларнинг масъулиятини ошириш ва ҳисоб-китоб ишларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида, пенсия ва нафақаларни тарқатиш учун алоқа тармоқлари билан шартномаларни тузиш ишлари ҳам тубдан ўзгартирилди.

Эндиликда алоқа тармоқлари билан шартномалар жойлардаги ижтимоий суғурта жамғармаси бўлинмалари иштирокида тузилади. Тузилажак шартномаларда пенсия ва нафақаларни тарқатиш учун хизмат ҳақлари ҳар бир ҳудуднинг шароити ва пенсияларни тарқатиш учун кетадиган ҳақиқий харажат миқдорларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

— Анвар ака, пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ишлари ҳамма жойда ҳам бирдек силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятларда бу ишлар қандай амалга оширилмоқда?

— Қонунчилик билан боғлиқ бўлган тизимимиз мутахассислари ишининг нечоғлик мураккаблигини биласиз. Бунинг устига Президентимизнинг кейинги йилларда пенсия ва нафақаларга доир, шунингдек, кенг омма манфаатини кўзловчи қатор ҳайрли фармонлари қабул қилиндики, улар тизимда ишлаётганларнинг иш ҳажмини беқиёс даражада ошириб юборди. Бу, албатта, «иш бор жойда хато ҳам бўлади-да» деб қўл қовуштириб ўтириш дегани эмас. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунини ҳаётга татбиқ этишда ходимларимизнинг қатор камчиликларга, тушунмовчиликларга йўл қўяётганликларини очиқ тан олиш керак.

Бироқ мен бунинг асосий сабабини кўп ҳолларда ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг ўз ишларига масъулиятсизлик ва эътиборсизлик билан қараётганликларида, уларнинг етарли билим ва малакага эга эмасликларида деб биламан. Бундай салбий ҳолатлар, айниқса тизимнинг Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари ижтимоий таъминот бошқармаларида яққол кўзга ташланмоқда. Лекин Тошкент шаҳар, Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ижтимоий таъминот бошқармаларида пенсия хизмати ишлари юқори савияда ташкил этилган бўлиб, пенсионерларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

— Соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, ходимларни касб маҳоратига ўргатиш, шунингдек соҳада компьютер техникасидан фойдаланиш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Дарвоқе, булар жуда жиддий масалалардир. Охирги икки йил ичида вазирлигимизга қарашли махсус курсда ходимларнинг малакасини оширишга ниҳоятда катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзида курсни бошқарма ва бўлимларнинг қарийб 229 нафар мутахассиси тамомлаб чиқди. Кейинги вақтда ижтимоий таъминот тизимига компьютер техникалари ёппасига кириб келди. 1993 йилда тизимда 158 та компьютер мавжуд бўлган бўлса, 1995 йилнинг 1 июлига келиб 320 та компьютер матахассисларга яқин кўмакдош бўлмоқда.

1996 йилнинг бошларидан бошлаб пенсия тўлови ҳужжатларини компьютерда тайёрлаш ишлари босқичма-босқич барча вилоятларда амалга оширилади. Вазирликда бўлинмаларнинг ҳисоб-китоб ишларини ҳамда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни компьютерлар ёрдамида тартибга солиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ходимларимиз компьютерларда ишлаш учун етарли малака ва маҳоратга эга бўлиб бормоқдалар.

Шу ўринда мен бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламан: вазирлигимизнинг ҳуқуқшунослик-ижтимоий таъминот техникумига талабалар қабул қилишда бир қатор муаммолар мавжуд. Гап шундаки, техникумга ҳар вақт ҳам шу соҳага қизиқадиган, унга меҳр қўйган, пенсионерларга хизмат кўрсатишни ўзларининг шарафли иши деб ҳисоблайдиган ҳақиқий талабалар қабул қилинмаяпти. Уни бир амаллаб битириб чиқаётганлар ҳам топилади. Энг ачинарлиси шундаки, техникумни имтиёзли диплом билан тамомлаб чиққан кўпчилик ёшлар соҳамизни четлаб ўтиб бошқа ишнинг этагидан тутиб кетмоқдалар. Ёки аксарият кишилар суд-прокуратура, ички ишлар органларида оддийроқ бўлсада, бирор ишга жойлашиб олиш истагида техникумга ўқишга кирадилар.

— Анвар ака, энди пенсия ва нафақаларни тўлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Дарҳақиқат, ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг яна бир асосий вазифаси пенсия ва нафақалар учун ажратилаётган маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланишини таъминлашдан иборатдир. Ҳозирги кунда пенсия ва нафақаларни тўлаш учун жуда катта маблағ ажратилмоқда. Масалан, шу йилнинг август ойи учун 1 миллиард 439 млн. сўм маблағ сарфланган бўлса, сентябрь ойига келиб бу кўрсаткич 2 миллиард 4 млн. сўмга етди. Бу рақамлар кейинги ойларда ҳам ошса ошадики, асло камаймайди.

Шу ўринда ҳар бир ижтимоий таъминот бўлими ходимининг асосий вазифаси мана шу маблағларнинг тўғри тақсимланишини назорат қилиш ҳамда мақсадли сарфланишига эришишдир. Афсуски, айрим бўлимларда пенсия ва нафақалар учун ажратилаётган маблағларни нотўғри сарфлаш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди. Маблағларни ноўрин сарфлашга асосан 2 ҳолда йўл қўйилади. Биринчиси, пенсия ва нафақаларни нотўғри тайинлаш оқибатида давлат маблағини керагидан ортиқча тўлашдир. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиз бўйича шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида 2245 ҳолда 625 минг сўм давлат маблағи ортиқча тўланган. Аммо, иккинчи бир чидаб бўлмайдиган ҳол борки, бу ўғирликдир. Кейинги пайтда жойлардаги туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларида мана шунақанги суиистеъмолчиликлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Назорат-тафтишчиларимиз айниқса республиканинг Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва Тошкент вилоятларида бундай нохуш ҳодисаларнинг аён нишоналарини топишди...

— Маблағларни ўзлаштириб юбориш, ўғирлаш ҳоллари қандай содир этилади?

— Жуда оддий. Масалан, пенсия ва нафақалар тўловини амалга оширадиган алоқа бўлими ходими билан ижтимоий таъминот бўлимидаги айрим нопок мутахассислар ўзаро тил бириктириб, вафот этган пенсионернинг пенсия пулини «тўланди» деб ўғирлашади. Аксинча ҳам бўлади. Пенсияни тўламасдан туриб «тўладим» деб подадан олдин чанг чиқаришади. Ёки пенсияни кам тўлаб унинг бир қисмини чўнтагига уришади. Республикамиз бўйича ижтимоий таъминот тизимида 17 мингга яқин ходимлар хизмат қилаётган бўлса, бир нечта нопок, ноинсоф, қўли эрги шахсларнинг айби билан бутун тизимимиз шаънига доғ тушаяпти.

— Содир этилаётган ўғирликларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

— Авваламбор, ўғирликнинг олдини олиш учун жойларда назоратни кўчайтириш керак. Назоратни олиб бориш учун эса бир тизимга солинган йўриқнома зарур. Шу мақсадда вазирлигимиз томонидан Алоқа ва Молия вазирликлари, Марказий банк, Ижтимоий суғурта жамғармаси билан келишилган ҳолда пенсия ва нафақаларни тўлаш жараёнини тартибга солувчи йўриқнома ишлаб чиқилди. Бу йўриқномада пенсия ва нафақаларни тўлашга оид барча кўрсатмалар аниқ белгилаб берилди. Иккинчидан, вазирлигимиз ва унинг пенсия ва нафақаларни тўлаш билан бевосита шуғулланадиган идоралари республика ижтимоий суғурта жамғармаси, Ўзбекистон почтаси концерни билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Учинчидан, барча ривожланган ҳорижий давлатларда бўлганидек, пенсия ва нафақаларни тўлаш ишларини тўлиқ Халқ банклари орқали амалга оширишни йўлга қўйиш лозим. Шундагина пенсия ва нафақалар учун ажратилаётган маблағларни суиистеъмол қилиш ҳолларига бутунлай чек қўйилади. Пенсияларни тарқатиш учун кетадиган харажатлар ҳам қисқаради.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Шуҳрат МУРОДОВ суҳбатлашди.

«ОЛМОС ЮЛДУЗ» СОҲИБИ

Жиззах аккумулятор заводи яқин йилларгача вилоятдаги энг қолоқ корхоналар рўйхатида турарди. Мустақиллик туфайли у ўзининг ойдин йўлини топиб олди. Корхона цехларида ишбилармон ва тадбиркорлар пайдо бўлди. Иш йўналиши ҳам ўзгарди, яъни жаҳон стандартлари миқёсидаги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шундай маҳсулотлардан бири — темир йўл вагонларига қўйиладиган махсус аккумуляторлардир. Заводнинг бу маҳсулоти Буюк Британияда ўтказилган халқаро кўргазмада «Олмос юлдуз» нишонига сазовор бўлди.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ... ТЕГИРМОНЧИ

Деновлик Абдуғаффор Шеров автомобилсозлик бўйича олий маълумот олгандан сўнг, тугилган юртига қайтиб... ўз йўлидан кетди: ҳар куни беш тонна бугдой тортадиган тегирмон қурди. Абдуғаффорнинг тегирмони бошқа тегирмонлардан шу жиҳати билан устунки, ундан олий, биринчи, иккинчи навли ун, ҳатто кепак ҳам чиқади, чунки элак бор. Ана шунинг учун ҳам у бекор турмайди.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1995 йил 1 ноябрдан «Ўқувчи» номли янги омонат турини таклиф қилади. «Ўқувчи» омонати — бу фарзандингиз учун ажойиб совғадир!

«Ўқувчи» омонати бу:

миқдори камида 10 сўм бўлган;
йилига 60 фоиз даромад тўланадиган;
нақд пул билан ёки пул кўчириш йўли билан тўлдириб бориладиган;
юқори даромад олиш учун, зарур миқдордаги маблағ йиғилгандан сўнг бошқа хоҳлаган турдаги омонатга ўтказиш имкониятини берувчи омонат туридир.
«Ўқувчи» омонати ўсмирларга ёшликдан ўз маблағидан тўғри фойдаланишни ўргатиш билан бирга, балоғат ёшини етарлича маблағ билан кутиб олиш учун имконият яратади.
«Ўқувчи» омонати 12 — 18 ёшдаги ёшлар омонатидир!

Халқ банки Сизни кутади.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-35-49, 33-78-02, 33-51-95.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви.

ТАШКИЛОТ

иккита янги МТЗ-80 тракторини завод нархи бўйича бартер йўли билан маҳсулотга алмашади.

Тел.: 63-74-10 (9.00 дан 15.00 гача), 65-38-76, 68-69-32 (кечқуруш).

«Ўзмашсаноат» ассоциацияси Тошкент агрегат заводи жамоаси заводнинг директор муовини Боқодир Пайзиевга онаси **Рукия ая ПАЙЗИЕВА нинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг кекса ходими **Нигмат Нуғмонович НУҒМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси «Олий математика» кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. З. Убайдуллаевга волидаи муҳтарамаси **Маърифат УБАЙДУЛЛАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«АЛ-ФАРОСАТ»

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси

ҚУЙИДАГИЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

- ROYAL - 125 NX, SHARP XE-A120 назорат касса машиналари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 18.10.1995 йил 183 рақам билан давлат реестрига киритилган);
- шунингдек SHARP XE-A120 назорат касса машиналари вексел ҳам сотилади;
- назорат-касса машиналари учун қоғозлар;
- 486 маркали компьютерлар;
- буюртмачи хоҳишига кўра бошқа ҳар қандай кўринишдаги компьютерлар.
- Телефон аппаратлари, факс кўчириш аппаратлари, аудио ва видео кассеталари;



ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:

- назорат-касса машиналарини ўрнатиш ва ишга тушириб бериш;
- назорат-касса машиналарида ишловчи мутахассисларни ўқитиш;
- компьютерлар учун дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш;
- локал ҳисоблаш тармоқларини ўрнатиш;
- монтаж қилинадиган ЛВС кабель каналлари. Улар орқали ахборот тармоқларини улаш ва кейинчалик таъмирлаш (кабелларнинг уч хили бор).

Бизнинг товарларимиз ва хизматимиз сифатли, ишончли, қулайдир.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
«Афросиёб» дўконининг «Ал-Фаросат» махсус бўлими.
(Мўжиза Давлат Нисий номли театр).
Маълумотлар учун телефонлар: 36-55-18, 36-21-46.
Тел/факс: (3712) 36-73-44.

© "Mulkdor"

"Пахта-банк" тижорат банклари ўртасида қимматли қоғозлар чиқариш ва операцияси бўйича етакчилардан ҳисобланади.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ "ПАХТА-БАНКИ" ИККИНЧИ БОСҚИЧ АКЦИОНЕР ОБУНАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. АКЦИЯЛАР НОМИНАЛИ - 1000 СЎМ.

Йирик акциялар ғазнаси эгалари акциялар гувоҳномасини олишлари мумкин.

1994 йил якунларига кўра, банк акционерларига эгаси ёзилган оддий акциялар бўйича 120 фоиз ва имтиёзли акциялар бўйича 150 фоиз йиллик дивиденлдлар тўланди.

1995 йил бошидан буён "Пахта-банк" акционерларига ҳар чоракда эгаси ёзилган оддий акциялар бўйича йиллик 120 фоиз ва имтиёзли акциялар бўйича йиллик 150 фоиз ҳисобидан дивиденд тўланди.

"Пахта-банк" биринчи босқич акцияларининг бугунги кундаги курси бўйича номинали 1000 сўм бўлган ҳолда 1920 сўмдан иборат бўлмоқда.

"ПАХТА-БАНК" АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг ҳуқуқий вориси бўлган "Пахта-банк";
"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг биринчи босқич акциялари 1995 йил охиригача бланкаларда "Пахта-банк"нинг янги мухрини вакил қилган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказишни;
"Ўздеҳқонсаноатбанк"нинг барча акциялари қимматбаҳо қоғозлар бозорида олдинги шартлар асосида муомалада бўлишини эълон қилади.

"ПАХТА-БАНК" ВЕКСЕЛЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- банк мижозларига энг қуйи фоизларда вексел кредитлари ҳавола этади;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий шахсларига векселларни сийлов билан сотади;
- фойдали шартлар асосида векселларни ҳисобга олиш (харид-савдо, сақлаш ва пулини қайтариш) бўйича операциялар ўтказади.

ЮРИДИК ШАХС ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Пахта-банк"нинг қимматли қоғозлар билан операцияларини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсатномасига эга бўлган ва республика "Тошкент" фонд биржасида рўйхатга олинган брокерлик идораси қуйидаги брокерлик хизматларини кўрсатади.

1. Қимматли қоғозлар бозорини таҳлил қилиш.
2. Мижознинг жамғармавий ғазнасини бошқариш.
3. Мижознинг қимматли қоғозлар хариди ва савдоси бўйича кафилликларини ижро этиш.
4. Мижознинг қимматли қоғозлар ғазнасини таҳлил қилиш ва уни баҳолаш.
5. Қимматли қоғозларга инвестициялар бўйича маслаҳат хизмати кўрсатиш.
6. Мижознинг қимматли қоғозларини республика "Тошкент" фонд биржасида экспертиза қилишга тайёрлаш ва ҳавола этиш.
7. Мижоз кафиллиги бўйича брокерлик вакиллигини амалга ошириш.
8. Қимматли қоғозлар курси, битимлар, операциялар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш. Ҳар хил ахборот хизматлари кўрсатиш.

Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича малака гувоҳномаларига эга мутахассисларимиз хизмат кўрсатишнинг юқори сифатига кафолат беради.

КЕЛИНГ, ҲАМКОРИМИЗ БЎЛИНГ!

Бизнинг манзил: 700096, Тошкент шаҳри, Мукимий кўчаси, 43, метронинг "Ҳамза" бекати. "Пахта-банк" ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банки, 3-қават, 53, 58-хоналар. Тел.: 78-10-94, тел./факс (3712) 78-12-96, телекс 116412 IRIS SU.

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

«Тафаккур» журналининг жами 3 сони нашрдан чиқди. У одатдагидек хушбичим ва кўркам муқовада чоп этилган. Мазмун-мундарижаси ҳам хилма-хил. Эътиборли жиҳати шундаки, журналда ўзига хос маъно яхлитлиги сезилади. Мақола, суҳбат, шеър, ҳикоя, расм ва безаклар мантиқан бир-бирини тўлдириб боради.

Тарихчи Азамат Зиёнинг «Бир макон ичра юз очган жаҳон», адабиётшунос Хайрулла Исматулланинг «Бир хол савдосидан бошланган тарих» каби мақолалари, Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магасаки билан суҳбат, шоир Муҳаммад Юсуфнинг янги шеърий туркуми ва бошқа кўпдан-кўп пурҳикмат материаллар ўқувчиларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

Қуйида «Тафаккур»нинг 1995 йил 2-сонида чоп этилган материаллардан айрим намуналар босилмоқда.

АРАСТУ БИСОТИДАН

Қадим Юнонистоннинг буюк мутафаккирларидан бири, Афлотуннинг шогирди, Искандар Зулқарнайннинг устози Арасту (милоддан илгариги 384—322 йилларда яшаб ўтган) дунё тафаккур илмида катта ўрин тутади. Унинг ҳикматлари неча асрларки, қимматини йўқотмай келади. Эътиборингизга улардан айримларини ҳавола этяпмиз.

Ҳар қайси оила давлатнинг бир бўлагидир.

***

Ҳар қандай санъатнинг, жумладан, тарбия санъатининг ҳам мақсади — инсонга табиат ато этмаган нарсаларнинг ўрнини тўлдиришдан иборат.

***

Хатти-ҳаракат — назария билан амалиётнинг мужассамидир.

***

Барчага дўст бўлган киши — аслида ҳеч кимга дўст эмас.

***

Дўст — икки танада яшаётган битта жон.

***

Билим бобида жуда илгарилаб кетиб, маънавият бобида ортда қолган одам олдинга эмас, орқага қараб кетаётган бўлади.

***

Тенгсизлик ҳукм сурган жойда ҳеч нарсани тенг бўлиб бўлмайди.

***

Шу пайтга қадар дарвешлик хусусиятларидан холи бирон-бир буюк ақл соҳиби бўлмаган.

***

Ҳеч нарса мурувват, эзгулик сингари тез эскирмайди.

***

Меъёрини билиб ҳазиллашган кишигина зуккодир.

***

Заковат — билимли шижоат.

***

Ҳамма нарсанинг кулгили томонини қидириш — майдалик белгиси. Чунки кулгили нарса ҳар доим юзада бўлади.

***

Тенглик — дўстликнинг жонидир.

***

Мулоҳаза гоҳида саломатликка зарар келтиради.

***

Ақлли одам яхши нарсанинг орқасидан эмас, ёмонликдан асрайдиган нарсанинг кетидан қувади.

***

Дўстлар бизга қандай муносабатда бўлишини истасак, ўзимиз ҳам уларга шундай муносабатда бўлишимиз керак.

***

Олдин маълумотларни тўплаб, кейин уларни фикрга боғлаш керак.

***

Билимнинг илдизи— аччиқ, лекин меваси ширин.

***

Эзгулик ҳақида мулоҳаза юритишнинг ўзи — эзгулик деган гап эмас.

***

Ҳаддан ташқари бежирим сўз кишининг феъл — атворини ҳам, унинг фикрини ҳам кўмиб ташлайди.

Етти иқлим мужаси

МАДАНИЯТ — ЭНГ ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру МАГАСАКИ жаноблари билан суҳбат

— Элчи жаноблари, япон халқи юксак илмий ва иқтисодий мўъжизалари билангина эмас, бетакрор маънавий маданияти билан ҳам дунёга донг таратгани барчага маълум. Халқингизнинг Каабата Ясунари, Икэда Дайсаку, Абэ Кобо, Оэ Кендзабуро, Тангэ Кензо, Хираяма Икоу сингари буюк мутафаккир сиймолари жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшгани ҳам ҳаммага аён. Шу боис, аввало, япон халқи ўзлигини англашида маънавиятнинг ўрни ва унинг «Япон мўъжизаси»га таъсири тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Биласиз, бугунги япон маънавиятида дин ҳал қилувчи ўрин тутмайди. Бу масалани теран англамоқ учун тарихга мурожаат қилиш керак. Бизда қадимдан синтоизм ва буддизм қадриятлари маънавиятга кучли таъсир этиб келган. Аммо, афсуски, ушбу диний йўналишларнинг вакиллари Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик тадбирларида иштирок этган. Шу сабабдан Японияннинг урушдан кейинги Конституциясида дин давлат ишига аралашмайди, деб аниқ ёзиб қўйилган. Мактабларимизда дин дарси ўқитилмайди, диний китобларни ўрганиш мажбурий эмас. Четдан қараган киши Японияда дин таъсир кучини мутлақо йўқотган экан-да, деб ўйлаши мумкин. Аммо бундай эмас.

Буддизм маданияти қадим замонлардан буён бизнинг бош қадриятимиз ҳисобланади. Япон китоблари, ҳайкалтарошлиги, шеърияти ва миллий санъатининг бошқа намуналари билан танишар экансиз, уларда дархол ўша қадрият — диний таъсир аломати намоён бўлади. Сиз боя жаноб Хираямнинг номини ҳам тилга олдингиз. Унинг санъат йўлига кириши жуда ғалати кечган. У Бадиий академияни тугатганидан сўнг санъатда қайси йўлдан — японча йўналишданми, ғарбона йўналишданми бориш масаласида узоқ изланади. Аммо, бўлажак рассом бошдан кечирган жисмоний (Хиросима шаҳрига ташланган атом бомбаси унинг соғлигига таъсир этган эди) ва иқтисодий қийинчиликлар унда санъат соҳасида ўз йўлини топиш иштиёқини кучайтирди.

Бир гал Хираяма VII асрда Ҳиндистонга бориб буддизм манбаларини излаган хитойлик роҳиб ҳақида ўқиб қолади. Бу роҳиб беҳад қийинчиликлардан сўнг Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудидан ўтиб, Ҳиндистонга келади. Йигирма йил сарсону саргардон кезиб, охири яна Ватанига қайтади ва кўрган-кечирганлари хусусида китоб ёзади. Хираяма ана шу зот тақдири мисолида турли халқлар маънавий маданиятини ифода этган Буюк ипак йўли мавзуини кашф этади.

Биз тарих, адабиёт ва санъат асарларини мудом ўрганиб борамиз, маънавиятимизни бойитамиз ва дин қадриятларини ўзлаштирамиз. Маълумки, христианлик эътиқоди мухлисларига нимани қилиш равою нима нораво — барчаси аниқ баён этилган муқаддас китобни ўрганиш заруратини юклайди. Бизда, гарчи ҳеч ким диндорликка мажбур этилмаса-да, диннинг таъсири мавжуд. Ўтмиш аждодларимиз эътиқоди ва маънавиятини биз тарихий анъана ва маданий қадриятлар воситасида англаб етамиз.

«Япон мўъжизаси»нинг бош унсури, менимча, маорифдир. Ўзбекистонда ҳам маориф яхши йўлга қўйилган. Олий мактабларга кириб ўқийдиган аҳоли қатламининг салмоғи анча юқори. Аммо япон жамиятида маорифга муносабат ўзига хос. У ерда инсон келажагини унинг билими белгилайди: йирик тадбиркор ё сиёсий арбоб бўладими, ёзувчи ё дипломатми — барчадан, аввало, билим талаб этилади. Бизнинг шароитда болалар, беш-олти ёшда бошланғич мактабга борганидан то университетдаги таълимни тугатишигача бўлган даврни кўшиб ҳисоблаганда, 21-22 ёшга етгунгача ўқийди. Кимдаким порлоқ келажак эгаси бўлишни истаса, сўзсиз, у ўқимоғи ва ишламоғи зарур бўлади. «Япон мўъжизаси»ни яратишда халқнинг тақдири ўз қўлида эканига ишонгани муҳим ўрин тутган. Бизда ҳатто нуфузли ота-оналар ҳам фарзандлари келажагига тўлиқ таъсир ўтказолмайди, чунки ҳамма нарсани танлов ҳал қилади. Дейлик, бообрў корхона ёхуд вазирликда ишлайман десангиз, албатта нуфузли дорилфунунда аъло даражада сабоқ олган бўлишингиз зарур. Билим даражасини, табиийки, ота-она белгиламайди.

Ҳар бир японнинг тақдири унинг саъй-ҳаракатига боғлиқ бўлиб, мактаб давридаёқ унда ўзига ишонч тўлиқ шаклланади ва бора-бора янада мустаҳкамланади. Шу боис, бизнинг ҳар биримиз яхши истиқболга яхши ишлаш билангина эриша олишимизга қатъий ишонамиз. Дейлик, мана, Сиз қайсидир корхонада ишлайсиз ва шубҳасиз, қачондир унинг раҳбари бўлиш имкониятига ҳам эгасиз. Аксари йирик япон компаниялари раҳбарлари фаолиятини даставвал энг майда ишдан бошлаган, фақат қобилият ва саъй-ҳаракатлари шарофати ўлароқ бугунги юксак мақомга эришган. Агарда минглаб кишилар эртаги кунга ана шундай эҳтиёт иштиёқ билан интилиб ишласа, келажак шубҳасиз шу қадар равшан бўлади. Бу — диний эътиқод эмас, инсоннинг ўз кучига ишончи самарасидир.

— Ҳар жиҳатдан юксак тараққий этган япон жамиятида ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари ўзига хос кўҳна миллий анъаналар билан уйғунлашиб кетгани ҳам кўпчиликни ҳайратга солади. Бундай муштараклик боиси нимада?

— Такрор бўлса-да, айтиш керак, тадқиқотчилар «Япон мўъжизаси»нинг сабаб ва манбалари, боя мен айтгандек, аввало, маориф тизимида деб биладилар. Дарҳақиқат, япон халқи азалдан илмни беҳад қадрлаб келади. Бу — бизнинг миллий анъанамиз. Биз илмни ҳам, ўқитувчи ва раҳбарларни ҳам ғоят эъзозлаймиз. Эсимда бор, Токио университетида ўқиган кезларимда махсус инглиз тили сабоқларига қатнаганман. У ерда Оврупо ва Америкадан келган ўқитувчилар дарс ўтар эди. Бир куни улар мендан «Сиз келажакда ким бўлмоқчисиз?» деб сўраб қолди. Мен уларга давлат муассасасида ишлаш ниятида эканимни ва буни ўзим учун юксак шараф деб билишимни айтдим. Ўқитувчилар эса, «Сиз амалдор бўлмоқчимисиз?» деб ҳайрон бўлган эди.

Японлар давлат муассасасида ишлашдан фахрланадилар. Мен ёғлиқ жойда ишлаб, катта бойлик тўплаш учун эмас, балки фаолиятимда юксак мақсадга эришмоқ учун ўқиганман. Эндиликда, афсуски, бу удумдан четланишлар ҳам учрамоқда. Шундай бўлса-да, ҳали ҳам нуфузли университетларнинг энг қобилиятли битирувчилари — уларни хусусий банкларда бажонидил кутсалар ҳам — аввалгидек давлат муассасаларига, масалан, молия вазирлигига ишга киришга интиладилар. Ваҳоланки, хусусий банкларда иш ҳақи вазирликдагига нисбатан тўрт-беш баробар юқоридир. Бу эса, пул ишлаш учун асосий мақсад эмаслигидан далолат беради.

Мамлакатимиз таълим тизимига хос яна бир хусусият шундаки, олий мактаб таълими инглиз ёки бошқа хорижий тилда юритиладиган талай мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Японияда сабоқлар фақат япон тилида ўтилади. Биз шу тарзда маданиятимизни сақламоқдамиз. Ўтмишни бугунги кун билан уйғунлаштирувчи омиллардан бири ҳам ана шу.

— Куйчиқар мамлакат XXI асрнинг тараққиёт йўли маърифат ва маданият асосида кечишини исботлади. Марҳамат қилиб, таълимнинг японча шакли ва унинг истиқболлари, оврупоча ва америкача таълим шаклларига нисбатан устун жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз. Сизнинг назарингизда, япон тажрибасининг Ўзбекистондаги таълим ислоҳоти учун қандай ибратли жиҳатлари мавжуд?

— Мен Токио, Гарвард, Лондон ва Москва университетларида сабоқ олганман. Бинобарин, қиёслаш имкониятига эгаман. (Элчи жаноблари японча ва оврупоча таълим тизимларининг қиёсий схемасини чизиб кўрсатади ва сўзида давом этади — суҳбатдош.) Мана бу — Оксфорд ва Кэмбриж дорилфунунларида жорий этилган Англия университет таълим тизими.

Уларда, ишонч билан айтишим мумкинки, Японияда гига қараганда юксак маърифатли ва малакали мутахассислар тайёрланади. Бу эса — Токио университетидаги таълим тизими. Чизмадан кўриниб турибдики, Японияда талабанинг энг юқори билим саviяси Англиядаги энг аълочи талабаники даражасида бўлмаса-да, лекин ўрта ҳисобда бизда билимли талабалар салмоғи Англия ва АҚШдаги шундай талабалар салмоғидан анча эиёд.

Шу тариқа Япония, билим эгалловчиларнинг ўртача нисбатига кўра, Ғарбдан устунроқ бўлиб чиқади. Албатта, агар ўзига хос қобилият эгалари ҳақида сўз борса, шубҳасиз, Буюк Британия энг илғор мамлакат. Бироқ, ишлаб чиқаришни ёппасига саноатлаштиришнинг ҳозирги босқичи оммавий равишда юқори билим ва малакали мутахассислар таёрлашни тақозо этади. Япония дунёдаги энг бадавлат мамлакатлардан биридир. Бинобарин, у халқ билим даражасини энг юксак мақомга кўтариш заруратини ҳам эътиборга олади.

Халқаро миқёсда қандай иқтисодий рақобат кетаётганидан хабардор бўлсангиз керак, албатта. Масалан, электроника соҳасида япон маҳсулотидан ташқари Корея ёки Американинг рақобатбардошли маҳсулотлари ҳам бор. Аммо нимага японларнинг барчасидан яхши? Буни мен шундай тушунтираман: маълумки, мураккаб таркибли маҳсулотларни тайёрлашда кўпдан-кўп касб эгалари иштирок этади. Шу боис, эндиликда пишиқ ва чидамли товар яратиш жараёнини айрим мутахассисларнинг гина эмас, балки минглаб кишиларнинг маҳоратига боғлиқ. Бугун Японияда айрим кишиларнигина энг етук малака эгаси этиб тайёрлашдан кўра, барча ходимларга ўртача ва юқори даражали билим бериш афзал эканини яхши тушунадилар. Бордию, турли мамлакатлар аҳолисининг ўртача билим даражаси ёхуд маънавий етуклиги қиёс этилса, ишончим комилки, японлар энг юқори ўринни эгаллайди. Улар шу сабаб бугун жаҳон бозоридаги ўзаро рақобатчилик шароитларида муваффақият қозонмоқдалар.

Биз кўпдан-кўп аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Лекин, цивилизация юксала боргани сари асл ва бетакрор маҳсулотларга, дейлик, санъат асарларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораверади. Хўш, асл маҳсулотларга иштиёқманд кишилар сони кўпайиб борадиган бўлса, жамиятимиз бу эҳтиёжни қондира оладими? Шунинг учун ҳам ҳозирги таълим тизими танқидчилари юқори малакали, лекин фаолият тури бир-бирига ўхшаш ходимларни ўқитишдан кўра, бетакрор ва ноёб истеъдод эгаларини тарбиялашни тавсия этади.

Агар Ўзбекистонда ҳам келажагингиз ўзингизнинг саъй-ҳаракатингиз билангина буюк ва порлоқ бўлишига ишончэтиқод қарор топса, жуда яхши. Бугунги ўтиш даврида ижтимоий муносабатлар ўзгара бориши, албатта, кишиларнинг орзу-интилишига ҳам таъсир этади. Мен ўзбекларнинг билим даражаси юксак эканини кўриб юрибман ва бу заминда ҳали кўпдан-кўп танилли зотлар етишиб чиқишига ишонаман. Бу шунчаки гап эмас. Бундай деб ўйлашга бир талай асосларим бор. Чунончи, Ўзбекистонда энг оддий инсонлар ҳам икки, ҳатто уч тилда сўзлаша олади. Хорижий тилларни бу даражада яхши биладиган кишилар эса жаҳон миқёсига чиқишда, шубҳасиз, афзалликка эгадир. Бундан ташқари, сизлар тил воситасида ўзга маданият ва анъаналар билан тўлиқроқ танишасиз, маънавиятни бойитишда бунинг аҳамияти беқиёсдир.

Бир замонлар Америкада «Баъзи америкаликлар нега ёмон ишлайди?» деган сўров ўтказилган эди. Дастлаб кўпчилик, улар яхши таълим олмаяпти, деган фикрни билдирган. Шу боис, меҳнати унумсиз фуқаролар учун университетларда махсус ўринлар ташкил этилди. Лекин, барибир, кутилган самара бўлмади. Шундан сўнг мутахассислар ишга муносабат, аввало, инсоннинг мактаб даврида ёки ундан ҳам эртароқ — икки ёшдан тўрт ёшгача бўлган маҳалда, яъни идрокда илк интилиш ва майллар пайдо бўлаётган паллада шаклланиши лозим, деб хулоса чиқардилар.

Ўзбекистонда, билишимча, юксак ақлий қобилиятга эга бўлган болалар жуда кўп. Менимча, бунинг сабаби турли маданият ва тилларнинг ўзаро уйғунлашувида бўлса керак. Шунинг шарофати ўлароқ бу диёр олимлари, давлат арбоблари, рассом ва бошқа соҳа кишилари етук ақл-идрок соҳибидирлар, Сиз билан бизнинг маориф соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг амалий истиқболлари бор деб ўйлайман.

Муҳаммад ЮСУФ

СИЗ ЎША

Гулим, меҳр кўзда дегани — ёлғон,
Сиз менинг дилимда ўчмас ёлқинсиз.
Қанча кўришмасак, шунча қадрдон,
Қанча олис бўлсак, шунча яқинсиз.

Девона ошиқман, мен бир девона,
Айтинг, сиздан бўлак кимим бор яна?..
Сиз йўқ чоғимдаги дунём бегона,
Сиз йўқ боғимдаги гуллар ёқимсиз.

Сиз — аччиқ қисматим, сиз — изтиробим,
Сиз — ширин дардимсиз, ширин азобим.
Сиз — менинг кўклардан топган офтобим,
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

Ёдимда кечаги шўхликларингиз,
Кипригимга теккан киприкларингиз,
Сиз ўша — орзуси ойдан ойдин қиз,
Сиз ўша — кулгиси қўнғироғимсиз.

Сиз ўша — кўнглимга кўнгли ин курган,
Сиз ўша — жонимнинг устида юрган,
Тўкилай деб тилим учида турган
Шеъримсиз, куйимсиз, битмас оҳимсиз!

«ТАФАККУР» — ФИКРЛОВЧИЛАР ЖУРНАЛИ

Аждодларимизнинг илму ҳикмат хазинасидан кўпроқ баҳраманд бўлай, миллий ва умуминсоний қадриятлар моҳиятини теран тушунай ва бугунги дунё тафаккурининг тараққиёт шамолларидан бетабар қолмай десангиз, инсон руҳидаги сир-синоат, унинг ҳаётидаги ғаму-ноғаи ҳақиқатларни теран англаб етишни истасангиз, тоқати умри фикр ёшини билан нурафшон этмоқни орзуласангиз, «Тафаккур» журналига ОБУНА БЎЛИНГ!

Журнал уч ойда бир марта, бир йилда тўрт марта чоп этилади.

ОБУНА БАҲОСИ ҚУЙИДАГИЧА:
— бир йилга — 84 сўму 80 тийин;
— Олти ойга — 42 сўму 40 тийин;
— уч ойга — 21 сўму 20 тийин.
Журнал нашр кўрсаткичи: 75349.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Миллатлараро 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳаррирлар 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳаммад.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0507. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди — 21.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00

123456